

Бизни кемиргувчи иллатлар деганда, захму маразними гумон этарсиз? Ёйинки, сил, сил-ар-ия (ўпка сили) ва махавликними дерсиз? Йўк, андан хам ямонрок ва андан хам жонхарош (жон азоби), бевоё, хонавайрон ва гариб этгувчи бир дард, биз – туркистонийларни шаҳри ва кишлоки ёйинки ярим маданий, ярим вахший синфларимизгача истило этиб, бутун тириклигимизга сорилган ва бизни инкирозга ва тахликага ва жаханнамга юмалатургон тўй, азо исминдаги икки каттол душманни дерман.

Атомиздан меҳрибон Тангримиз жалла ва аъло Куръони каримда “Ло талакку би ядикум ала тахликатихи”, яъни ўз кўлларингиз ила ўзингизни тахликага отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амрига бўюн кўймасдан кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўк бўлушимизга сабаб бўлган одатларга бору йўкимизни сарф ва исроф этармиз. Йилда икки ой наврўзи кофири учун сайр этармиз. Бир ой мукаддам Самаркандни Панжакент касабасидаги наврўз сайрига мушак-фишанг отишдан учгина киши ўлуб, ўндан зиёда киши мажрух бўлди. Кўпқари ва улок чопмоклик одати маълунонсига хар вилоятдан хар сана юзлар ила киши охиратга кўчар, на кадар киши мажрух ва маъюб бўлар. Кўп кишилар сайр ва кўпқари шумлиги ила ишдан ва зироат вақтидан колур. Уйига йўк, хўккузи ва согар сийири йўк экан, бир неча юз сўмга от олиб ва хар куни анга хиндек парасташ этиб, хар кун бир сўм сарф этар, на учун? Тўй ва сайрга кўпқари чопмок учун. Ўн-йигирма чакиримга тўй бўлдими, хар ким ишини, дехкончилигини кўюб, отланиб кўпқарига кетар. Дехкон учун олтундан азиз вақт фавт бўлди- кетди. Эски биргина кун сўнгра йигилган учун ёгинга қолиб, баъзи хирмонлар чириб кетар.

Маълум бир шаҳарда яҳудийлар баъзан ўлукларини окшом элителиб кўмарлар. На учун? Кундузи ишдан коларлар. Биз бўлса, ўлук ва тўй учун ҳафталар, ҳатто, ойлари ила ишдан колурмиз. Холбуки, шореъи аъзам, пайгамбари акрам саллоллоҳи алайҳи васаллам ҳазратлари ўлганни тез кўмуб ва кўмгандан сўнгра тез таркалиб, ишга кетмокга ва ўлукхона халқини уч кундан зиёда таъзия тутмасга, қаро киймасга, қир, фалокат бўлмасга амр этарлар. Эй халқ! Эй мусулмонлар! Биз на учун Худо ва расулни сўзига ва ўзимизни наъфимизга амал қилмаймиз? Биз девонами? Биз тақлифдан ташқарими (Тақлиф-бу ерда, инсоний бурч, вазиф маъносида), Худо учун сўйлангиз. Биз нима?

Шариат китобларидан «Фароиз, яъни Худони буйруги деган китобларга: «Ўлукни молидан аввалан ўлукга керакли мувофик суннат ва исрофсиз қафан қилиб, дафн қилмокга сарф қилинсун, сўнгра қарзии берилур. Сўнгра ортган молларни -варасасига мувофиқи шариат Тақсим қилиниб берилур», — дейилган экан, биз билъақс қафандан

сўнгра карзга бермай ва хатто, сагир ва бенаво хотунларни меросини йиртиш, азойи, садака, хайрот, билмайман, нималар ужраси деб, карздан ворисидан илгари таксим килиб олармиз. Беш-олти маърака ва худойи, 8—10 жумъа окшоми деб бутун маҳалла ва кишлоқ халкига палов берармиз. Баъзи бир бечора сагир ва муштипар аёллар меросдан ва ҳақларидан ноқис олулар. Баъзи карзхоҳларни ҳақки худойи ва хайрот, нохудойи ва шаррот сабаби ила қуюб кетар. Бечора ўлукни зиммаси карздан қутулолмай қолур. Худо учун айтингиз, бу хайротми, бу худойими? Беш—олти қун сўнгра бу худойи ва хайротлар учун варасани ҳақки бўлган мол ва ерлар сотулур. Берилган дангга адрас, азойи ва ганиларни олган йиртиш ва садақалари учун берилур. Энди бечора вариса дарбадар, ҳам отадаи, ҳам ватандан айрилди-кетди. Бир ўртаҳол, бир бечора фақир ўлар. Онинг гани яқини ўлукни эгаси бўлуб, вариса молини «обрўй» этарман, деб исроф ва барбод этар. Натижада бечора вариса дарбадар. Эй, уйинг обод, обрўй қилгувчи! Улган ул, санга нима? Сан, гани, ўз ўлуқингга обрў қилгонинг бас эмасми?

Астағфурилло, субҳонолло. Бизни қилатургон ақлсизлигимизни қайси миллат қилур? Никох, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиқ бир иллатки, ўлмагунча қутулуб бўлмайдур. Шаҳарларда ўртаҳол, яъни ўтурарга хона ва боғи бор бир киши никох учун икки минг сўм сарф этар ва ўғул хатнаси учун ҳеч бўлмаганда минг сўм. Хар бир бенаво киши бу мавридларга 200 сўмдан 1000 сўмгача сарф этар. Бой ва зўраки бойлар эса беш минг, ўн минглаб сарф этар. Охири нима бўлур? Нима бўлур дейсиз? Ота-бобосидан қолган мулк ва ватанини ўз ихтиёри илан зўраки бойни ўзи ўлгандан сўнгра бир яҳудий ё бир армани ажнабийга сотиб, тўй ва таъзия қарзини берар. Узи сотмаганда судга сотилур. Мана, юқоридаги сарлавҳада «Бизни кемир-гувчи иллатлар» деган одатларимиз, шу тўй ва таъзия исминдаги девоналигимиздан иборатдур.

Бир дўқончи, бир гулқор, бир фақирқол, бир қосиб учун бу тўй ва таъзиялар ўлумдан қаттиғдурки, муниг учун бечора хар қун ўлур. Хар қун ўлгон илада қутулмас. Узидан сўнгра аҳлу аёлига бу йўқсуллик ва бу мусибатни мерос қўяр. Хўб, яхши, ўз молини тўй ва таъзияга исроф этсун, барбод этсун, қўзи чиксун. Хай, бонка оқчасини, биров пулини на учун барбод этар. Бу девоналикни у тарафи эмасми? Бу ҳол ила 20—30 сана ўтса, ер ва ҳавлилар ажнабийларга ўтуб, ақсар халқимиз гадоқлик даражасига инур. Эллик сана муқаддам ер сотилса, бир мусулмон оларди, энди бошқалар олур. Мана, энди биз шу ҳол илан яна йигирма — ўттуз йил ўтқарсак, халқимизни ярмидан зиёдаси ватансиз, ерсиз дарбадар бўлатургони маълум ва ошқордур. Бир ҳавлида, бир рўзгорда, масалан, икки ўғул, икки қиз бор. Ато ўлса, ани моли тўрт бўлунур. Аларни хар бирига никох ва хатна ва ўлум мавридлари муқаррардур. Ўзларини қамонча илми ва ҳунари йўқки, контурга, маҳкамага, бонкага қириб вазифа олса. Энди лоилож атторлик ва ё баққоллик ва у бўлмаса, муздурлик ва мардикорлик қилиши қозим қелиб, бу ишлардан қатъан аларни қорни тўядур. Ортдурмоққа йўқ. Муниг устига тўй ва таъзия деган даҳшатлик қалолар қелгандан сўнгра бу азиз оила ва рўзгорга ёниб қол бўлмоқдан бошқа илож йўқдур. Эллик сана муқаддам бир қариш ер бир қул экан, энди бир олқун ва қеларга ер олқунга ҳам топилмайдур. Қирим ва Қарқоз мусулмонларида бизлардек ер қадрини қилмаслар

экан. Энди Кирымда бир таноб (600 сажин) ер ўн минг сўмдан ўттуз минг сўмгачадур.

Биз бир таноб еримизии 200 сўм сотиб тўй килмокчи бўлсак, «ерни хўб пулга урдум» деб мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу кадар ахмоклиги ажибдур. Бизга лозимки, тўй ва таъзияларни кичик килиб ва хо-лимизча харакатда бўлуб, келар замонамизни ўйлайлук. Валлох, хору зору мункариз бўлмок эртага офтобни чикишидек мукаррардур.

Самаркандда бир махалла борки, аксар халки факру заруратдан, тўгриси, акл ноқислигидан хавлиларини пулга кизиқиб яхудийларга сотган учун махаллага оз мусулмон колди. Махалла мактаби йўк бўлди. Масжиди-да яқинда йўколур. Мана, бизни аклсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга футур келмокига сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун акча, сарват, давлат, сомон керакдур. Тўй ва таъзияга сарф килинатургон окчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлига сарф этсак, анкариб оврупойилардек тараккий этармиз ва ўзимиз-да, динимизда обрўй ва ривож топар. Йўк, хозирги холимизга давом этсак, дин ва дунёга зиллат ва мискинатдан бошка насибамиз бўлмайдур.

Ко эътабару йо аввал ул-абсар!

Махмудхўжа Бехбудий

“Ойна” журнали, 1915 йил, 13-сон